

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН
КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

910 «Давлатнинг ишончли вакилларини аттестациядан
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
хақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2610-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5016-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сон «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2013 йил 11 июндаги 165-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 23 июндаги 419-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 20 июндаги 01/09-26/17-сон «Давлатнинг ишончли вакилларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2610, 2014 йил 14 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 33-сон, 427-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Р. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 17 июль,
01/29-10/18-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

Ўзбекистон Республикасининг
Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмакла-
шиш ва рақобатни ривожлантириш давлат
қўмитасининг 2017 йил 17 июлдаги
01/29-10/18-сон қарорига
ИЛОВА

**«Давлатнинг ишончли вакиллари аттестациядан
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги
қарорга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарор муқаддимасидаги «2012 йил 13 ноябрдаги ПФ–4483-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сон «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2012 йил 30 декабрдаги 374-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2013 йил 11 июндаги 165-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ–5016-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сон «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 23 июндаги 419-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ–5016-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сон «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 23 июндаги 419-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига мувофиқ хўжалик жамиятларидаги акцияларнинг давлат паке-

тини (улушини) (бундан буён матнда давлат активлари деб юритилади) ишончли бошқариш фаолиятини амалга оширувчи давлатнинг ишончли вакиллари аттестациядан ўтказиш тартибини белгилайди.»;

б) 1-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» деган сўзлар «Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 2-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» деган сўзлар «Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 9-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларини билиши.»;

д) 14-банднинг «в» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) аттестациядан ўтмаган давлатнинг ишончли вакиллари борасида Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясига ёки Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ҳайъатига (агар давлатнинг ишончли вакили Ҳайъат қарори билан тасдиқланган бўлса) белгиланган тартибда улар билан тузилган ишончли бошқарув шартномаларини бекор қилиш юзасидан таклифларни киритади.»;

е) 2-иловада «Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» деган сўзлар «Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.